

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори

Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни,  
хотин-қизлар ва ёшларни ижтиёй қўллаб-қувватлаш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

---


✓ “Темир дафтар”ни  
юритиш тартиби

✓ “Аёллар дафтари”ни  
юритиш тартиби

✓ “Ёшлар дафтари”ни  
юритиш тартиби

## Қарорга күра

Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, ҳокимлар, секторлар раҳбарлари “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни камбағалликдан чиқариш ва уларнинг фаровонлигини ошириш учун **ШАХСАН МАСЪУЛ** ҳисобланади.




## Қарор билан құйидагилар тасдиқланды:



“Темир дафтар”ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оиласалар муаммоларини тизимли равишка ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб;

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишка ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб;

“Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишка ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб.



## “Темир дафтар”ни юритиш тартиби

Уйма-уй юришни ташкил қилиш бўйича эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш сўрвномаси вилоят ҳокимликлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилади.

Ҳокимликлар томонидан  
эҳтиёжманд оилаларни  
ўрганиш сўрвномаси 1 кунда  
секторларга тақдим қилинади



Секторлар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинига ва республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари ва ходимларидан иборат бошқарув офисига 3 кунда тарқатилади



Бошқарув офиси ҳар ойда оиласарнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари [үйма-уй юриб ўрганади](#), мурожаатларини кўриб чиқади ва оиласарнинг муаммоларини сўрвнома орқали аниқлайди.


Аниқланган муаммолар 3 кунда оиласарнинг [жамланма рўйхатига](#) киритилади. Жамланма рўйхат сектор раҳбарига 1 кунда тақдим этилади ва 1 кунда рўйхат кўриб чиқилади.

Анкета маълумотлари идора ва ташкилотларнинг маълумотлари билан солиширилади ҳамда оиласарнинг ижтимоий ҳимояга мухтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.

“Темир дафтар”га киритиладиган оилаларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳаси 7 кунда халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар [“saxovat.argos.uz”](http://saxovat.argos.uz) ахборот тизимиға киритилади.

Бошқарувофиси томонидан вақтинчалик тартибда белгиланган хизматлар кўрсатилади.



## Сектор раҳбарлари томонидан:



“Темир дафтар”дан чиқариш юзасидан таклифлар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари мұхомасига киритилади;

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашиның қарори асосида “Темир дафтар”дан чиқарылған оилалар түғрисидаги маълумотлар [“saxovat.argos.uz”](http://saxovat.argos.uz) ахборот тизимиға киритилади;

“Темир дафтар”дан чиқарылған оилалар бу ҳақида хабардор қилинади.

## “ТЕМИР Дафтар”ГА КИРИТИЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КҮРСАТИШ

Оилаларда томорқадан фойдаланишни ташкил этиш орқали бандликни таъминлашда қуидаги йўналишларда кўмаклашади:




- енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;
- парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқиши йўлга қўйиш;
- “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш.

## СУБСИДИЯ

Оилаларга ҳокимликлар томонидан дәхқончилик учун янги үзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ерда 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилади, ерни суғориш ва электр билан таъминлаш, ерларни үзлаштириш учун субсидия ажратилади.



Оилавий тадбиркорлик учун кредит оладиганларга  
банкларга ажратилған кредит маблағлари ҳисобидан  
молиялаштириладиган қуидаги хизматлар күрсатиласы:



- бизнес лойиҳаларни тузишни үргатиши;
- кредит олишга күмаклашиши;
- кредит ажратилғандан сұнг уларни доимий құллаб-қувватлаш.

## Оилаларга “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам берилиши

**Мумкин.**

Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун:

- фуқаролар йиғинлари томонидан моддий ёрдам бериш миқдорлари кўрсатилган рўйхат туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади;
- ҳокимликлар моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради;
- графикка асосан ҳар ойning 5-кунигача фуқаролар йиғинлари, тўлов ведомостларини шакллантириб, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тақдим этади;
- маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари тўлов ведомостлари асосида моддий ёрдам тўловларини ҳар ойning 5 – 27-кунларида амалга оширади.



## Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарга тиббий хизмат кўрсатиш:

- тиббий ёрдамга муҳтоҷ оиласар тиббиёт ходимини жалб қилинган ҳолда ўрганилади;
- касаллиги аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтоҷлар туман (шахар) тиббиёт бирлашмасига юборилади;
- улар кўрсатма бўйича стационар ёки амбулатория шароитда даволанади;
- ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлганлар Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.



## Республика бўйича “Аёллар дафтари”ни юритиш тартиби

Тасдиқланган анкета-сўровномалар туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари томонидан секторларга тақдим қилинади.



Секторлар томонидан анкета-сўровномалар 1 кунда сектор ишчи грухларига ва маҳалла фуқаролар йиғинига тарқатилади.



## Ҳар ярим йил 1 ойининг дастлабки 15 кунида



Сектор ишчи гурухлари фуқаролар йиғинлари ходимлари, фаоллари, маҳалладаги меҳнат инспекторига “жамоатчи ёрдамчи”лар билан биргаликда уйма-уй юриб, анкета-сўровномалар ўтказиш орқали хотин-қизларни “Аёллар дафтари”га киритади.



**“Аёллар маслаҳат кенгаши” унга мурожаат қилинганда, хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш учун маълумотларни сектор ишчи гуруҳига тақдим қилади.**

Ушбу ҳолатлар бўйича секторлар раҳбарлари ва туман (шаҳар)лар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари томонидан **хотин-қизлар муаммоларининг ҳаққонийлиги ўрганилади** ва халқ депутатлари туман Кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.



## Хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари уйма-уй юриб ўрганилади.

Хотин-қизларнинг мурожаатлари, шу жумладан, “Аёллар маслаҳат кенгаши”га қилинган мурожаатлар кўриб чиқилади.


Хотин-қизларнинг муаммолари анкета-сўровнома орқали аниқланади. “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ва “Йўл харитаси” тасдиқланади ҳамда ижрога қаратилади.



Аниқланган муаммолар хотин-қизларнинг шахсий индивидуал анкеталарига киритилади.

Индивидуал анкеталар сектор раҳбари, туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғига тақдим этилади.

Индивидуал анкеталарнинг кўриб чиқилиши ташкил қилинади.





Анкета маълумотлари идора ва ташкилотларнинг маълумотлари билан солиширилади ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.

“Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” лойихаси **халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига** тасдиқлаш учун киритилади.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар **Маҳалла ягона ахборот тизими дастурига** киритилади ва белгиланган хизматлар кўрсатилади



Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида “Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар Махалла ягона ахборот тизими дастурига киритилади.


“Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар бу хақда ёзма равишда хабардор қилинади.




## “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КҮРСАТИ

Аёллар томонидан томорқадан фойдаланиши ташкил этиш орқали бандликни таъминлашда қуидаги йўналишларда кўмаклашади:

- енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;
- парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишини йўлга қўйиш;
- дехқончилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишга кўмаклашиш;
- “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш.



Аёлларга ҳокимликлар томонидан дәхқончилик учун янги үзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ерда 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилади, ерни суғориш ва электр билан таъминлаш, ерларни үзлаштириш учун субсидия ажратилади.



Хотин-қизларга Микрокредитбанк, Агробанк ва  
Халқ банклари орқали БХМНИНГ 150  
бараваригача кредит берилади.

Кредитларнинг фоиз ставкаси истисно  
тариқасида 2022 йил 1 январгача Марказий банк  
асосий ставкасида белгиланади.

Кредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3  
йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.

## Хотин-қизларга БХМНИНГ 2 бараваридан 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилиши мүмкин

Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тұлаш учун:

- фуқаролар йиғинлари ногирон болали ёлғыз аёллар, боқувчиси йўқ, I ва II гурӯҳ ногирон, уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гурӯҳ ногирон хотин-қизлар рўйхатини туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига беради;
- туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими;
- моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради;
- тасдиқланган графикка асосан ҳар ойнинг 5-санасигача тўлов ведомостларини шакллантириб, ҳокимлик бухгалтерия бўлими ва тегишли банкка тақдим этади;
- бухгалтерия бўлимлари график ва ведомостлар асосида зарур маблағларни банкка ўтказади;
- Халқ банки моддий ёрдам тўловларини ҳар ойнинг 5 – 27-саналарида тарқатади.



## Хотин-қизларга турар жой ижара компенсацияси:

- турар жойнинг умумий майдонидан келиб чиқиб, унинг 1 м<sup>2</sup> учун бир ойга Тошкент шаҳрида БҲМнинг 6 фоизигача;
- Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида 4 фоизигача;
- бошқа ҳудудларда 2 фоизигача миқдорда тўланади.





- Зарур ҳолларда хотин-қизлар тиббиёт бирлашмасида стационар ёки амбулатор шароитда даволанади.
- Аҳволи оғир бўлганларга вилоят ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига ёки республика ихтисослаштирилган марказларига даволаниш учун бепул ордер ажратилади.
- Аёлларга бепул ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилади.

## Республика бўйича “Ёшлар дафтари”ни юритиш тартиби



“Ёшлар дафтари”ни шакллантириш учун анкета-сўровномаси ишлаб чиқилади.

Анкета-сўровномалар секторлар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинига ва сектор ишчи груҳларига тарқатилади.

Сектор ишчи груҳлари, фуқаролар йиғинлари ходимлари ва фаоллари томонидан уйма-уй юриш орқали ёшларнинг хоҳиш-истаклари ва муаммолари ўрганилади.



Ёшларнинг мурожаатлари (шу жумладан, электрон платформа орқали мурожаатларини) кўриб чиқиш орқали ўрганилади.

Анкета-сўровномалари секторлар штаблари котиблари томонидан секторлар раҳбарларига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Индивидуал анкеталар кўриб чиқилиши ташкил қилинади.

Анкета маълумотлари идора ва ташкилотларнинг маълумотлари билан солиширилади ҳамда ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.



“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” тасдиқланиб, ёшларга тегишли хизматлар кўрсатилади.

“Ёшлар дафтари”дан чиқариш бўйича тегишли қарор қабул қилинади.

“Ёшлар дафтари”дан чиқарилган ёшлар бу ҳақида ёзма ва электрон тарзда хабардор қилинади.

## Шунингдек

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёш оиласарнинг секторлар раҳбарларига ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига берган аризасига мувофиқ, уларга **12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси** ҳар ойда БҲМнинг З бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб берилиши мумкин.



## “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КҮРСАТИШ

Моддий ахволи қийин ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг  
4 бараваригача миқдорда моддий ёрдам берилади.

Моддий ёрдам биринчи навбатда қуидагиларга тайинланади:

- бокувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум ёшларга;
- ўзгалар парваришига муҳтож ишга лаёқатсиз ёшларга;
- I ва II груҳ ногирони бўлган ёшларга;
- қарамоғида ногирон бола бўлган ёш оиласа;
- ота-оналардан бири I ёки II груҳ ногирони, иккинчиси ишламасдан bemorga қарашга мажбур ёки иккаласи ҳам I ёки II груҳ ногирони бўлган ёшларга;
- табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган ёшларга.



## “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КҮРСАТИШ

Ёшлар тадбиркорликка ва касб-хунарга нодавлат касб-хунарга үқитиш марказларида үқиганидан харажатларнинг 75 фоизигача қисми қоплаб берилади.

Хусусий корхоналарга ишга қабул қилинган ва фаолият бошлаганига 6 ойдан ошмаган ёшларни қайта тайёрлов курсларида үқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг БҲМнинг 4 бараваригача бўлган қисми мазкур хусусий корхона ва ташкилотларга компенсация қилиниши мумкин.

Томорқа ер эгаси ёки иккиласи ижара асосида ер берилган ёшларга уруғлик ва кўчатлар олиш учун БҲМнинг 8 бараваригача пул тўлаб берилади.






Ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ органларида рўйхатдан ўтган фуқарога фаолиятини амалга ошираётган нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларининг бир йилда БҲМнинг 25 бараваригача қисми қоплаб берилиши мумкин.

Тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларини харид қилиш учун БҲМнинг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади.




“Темир дафтар”га киритилган оилалар фарзандларининг профессионал ва олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатларини тўлаб бериш тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган миқдорда амалга оширилади.

Ёш оилаларнинг секторлар раҳбарларига ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига берган аризасига мувофиқ, уларга 12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда БҲМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб берилиши мумкин.




## Тураг жой ижара компенсацияси:

- тураг жойнинг умумий майдонидан келиб чиқиб, унинг 1 м<sup>2</sup> учун бир ойга Тошкент шаҳрида БҲМнинг 6 фоизигача;
- Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида 4 фоизигача;
- бошқа ҳудудларда 2 фоизигача миқдорда тўланади.



Нодавлат касб-ҳунарга ўқитиш марказлари сертификатига эга ёшларга бизнесни ташкил этиш учун “Микрокредитбанк” банки томонидан қуидаги микрокредит ажратилади:

- ✓ ёшларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сүмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;
- ✓ микрофирма ва кичик корхона таъсис этган таъминот турлари асосида 225 миллион сүмгача миқдорда.
- ✓ Кредитларнинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасида белгиланади.
- ✓ Кредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади.



Ёшларнинг хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ёшларга бепул тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилади.

“Темир дафтар”га киритилган оиласарнинг аҳволи оғир бўлган bemor фарзандларининг мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларининг БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдордаги қисми тегишли қоплаб берилади.



Эътиборингиз учун  
раҳмат!

